

ЖАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳолат вилоятда яшаётган одамларнинг турмуш даражаси, кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётганини инобатга олсак, юқоридаги саволларнинг нақадар ҳаққоний ва ўринли экани, масаланинг шундай қаттиқ қўйилаётгани барчамизга тушунарли бўлади, деб ўйлайман.

Агар сўнги беш йилни таҳлил этадиган бўлсак, вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнерга камайгани таасуф билан қайд этишга тўғри келади.

Бунинг натижасида давлатга пахта сотиш режаси 1995 йили 97,5 фоиз, 1996 йили 94,8 фоиз, 1997 йили 90 фоиз, 1998 йили 88,3 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йили янада пасайиб, 81,8 фоизни ташкил этди.

Бошқача айтганда, беш йил мобайнида вилоят давлатга 181 минг тонна пахтани режадагидан кам етказиб берди.

Хусусан, ўтган йили вилоятдаги пахтачиликка ихтисослаштирилган туманлардан бирортаси ҳам режани бажара олмади.

Вилоятдаги 143 та хўжаликдан 109 таси режани бажара олмагани, айниқса, Бандихон туманидаги «Хўжалик», «Янги ҳаёт», Шеробод туманидаги «Истикбол», Термиз туманидаги «Каттакум», Қизилқум туманидаги «Оқсар», Музrabод туманидаги Навоий номи жамоа хўжалиқлари гектари

дан 10 центнерга ҳам етказиб ҳосил ололмаганини нима деб аташ керак? Бундай аянчли аҳвол галла етиштириш бўйича ҳам мавжудлигини таасуф билан айтиш керак. Бу соҳага назар ташлайдиган бўлсак, кейинги беш йилда бошоқли дон ҳосилдорлиги 13 центнерга, шולי ҳосилдорлиги 4,5 центнерга пасайиб кетганини кўрамоқчи.

Давлатга дон сотиш режаси ўтган йили вилоят бўйича 54,8 фоизга бажарилган бўлса, бу кўрсаткич Бандихон, Ангор, Қизилқум, Қумқўрғон, Олтинсой, Узун, Шеробод туманларида 38-50 фоизда қолиб кетди.

Вилоятдаги галлачилик билан шуғулланадиган хўжаликлардан атиги иккитаси галла тайёрлаш режасини бажарган, холос.

Олтинсой туманидаги «Ғолиб», «Хўжасоат», Узун туманидаги «Хурсанд», Бандихон туманидаги «Дўстлик», Термиз туманидаги «Учқизил» сингари хўжаликларда галла ҳосилдорлиги 5-10 центнер атрофида, 41 та хўжаликда 10 центнер, 52 та хўжаликда эса ўртача 15 центнерни ташкил этди.

Албатта, бу аянчли аҳволнинг сабаби сўралса, айб табиий офатга - кутилмаган «занг» касалига олиб бориб тақалади. Тўғри, бултур вилоятда шундай ҳолат содир бўлганини ҳеч ким инкор этмайди.

Бироқ, таҳлиллар маъкур ҳолинг сабаби фақат бунда эмаслигини кўрсатиб турибди. Галлачиликда ҳосилдорлигининг пасайиши фақат ўтган йили рўй бергани йўқ, кейинги тўрт-беш йил давомида кўпгина туманлар ва хўжаликлар учун оммавий «касалик»-ка айланиб қолди.

Бу фикрни бошқа соҳалар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Сабзавот ҳосилдорлиги ўтган йили 1998 йилга нисбатан 8 центнерга камайган, узум етиштириш эса 80 минг тоннадан 55 минг тоннага тушиб кетган.

Сўнги йилларда бог майдонлари 1200 гектарга камайган. Оқибатда вилоятдаги мева ва узумни қайта ишлайдиган ўнга яқин корхона тўлиқ қувват билан ишламаяпти. Улар ўтган йили 34 минг тонна ўрнига фақат 11 минг тонна узумни қайта ишлади. Ўтган йили вилоятда 700 гектар ўрнига атиги 138 гектар майдонга картошка

экилган бўлиб, айрим хўжаликларда гектари олинган ҳосил 20 центнерга ҳам етмайди.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳоли ёмонлашиб бормоқда. Бунинг шунининг 1 февралгача бўлган маълумотга кўра, уларнинг дебиторлик қарзлари 2 миллиард 503 миллион сўм, кредиторлик қарзлари эса 6 миллиард 45 миллион сўмдан ортиб кетганидан ҳам билса бўлади.

Вилоятдаги 47 та жамоа ва ширкат хўжалиги 1999 йили деҳқончилик соҳаси бўйича 713 миллион 315 минг сўм зарар билан яқунлаган. Айниқса, Шеробод туманидаги В.Қодиров номи хўжалик 102 миллион сўмдан зиёд, Денов туманидаги Амир Темур номидаги хўжалик 60 миллион сўмдан ортиқ, Шўрчи туманидаги Дониёров номи хўжалик эса 36 миллион сўм зарар билан чиққан.

Ахир, бу аҳволда бундай хўжаликларда ишлайдиган, шу ерда яшайдиган одамларнинг тирикчилиги, турмуш шароитини яхшилаш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Вилоятда раҳбарман, шу юртининг етакчисиман деб гердайиб юргани кимсалар бу ҳақда ўйлайдими-йўқми?

Ёки чорва соҳасини олайлик. Афсуски, бу борада ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Қорамоллар сони 3 минг 500 тага, соғин сигирлар сони эса 1 минг 38 тага камайган. Ўтган йили чорвачиликдан 118 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрилган.

Хўш, вилоят қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачилик ва галлачиликда юзга келган бундай аянчли ҳолатнинг сабаблари нимада? Бунинг сабаблари кўп, лекин энг асосийлари ҳақида тўхталиб ўтайлик.

Ававало, бу нуқсонлар агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилмаслиги билан боғлиқ. Ўзингиз айтинг, кузги шуд-

горлаш пайтида фақат 35 фоиз ерга минерал ўғит солинган бўлса, 50-60 фоиз ер текисланмай, қимди бу ишларга бош-қош бўлиши керакми-йўқми? Нима, ғўзанинг кушанда-си бўлган вилт касалига чора толган олимларимиз бу касалликнинг олдини ололмайдими?

Ҳамма гап шундаки, бу борада аввало масъулиятсизлик, бепарволик, ўзи-бўларчилик, лоқайдликка йўл қўйилган. Афсуски, вилоятда ўтган йилги камчиликлардан ҳали-бери ҳулоса чиқариб олингани йўқ. Галла майдонларининг бугунги аҳоли бултурги хатолар давом этаётганини кўрсатиб турибди. 96 минг гектар суғориладиган майдонга экилган бошоқли дон экинларининг ривожига аксарининг майдонларда ниҳоятда суст.

Бу йил ҳам Ангор, Жарқўрғон, Узун туманларида «занг» касаллиги пайдо бўлди. Ҳукумат топшириги билан унга қарши кураш чоралари кўрилмади. Лекин бошқа туманлар ҳам хотиржамликка берилмасликлари, бу офатнинг тарқалиб кетмаслиги учун қатъий ва самарали чораларни кўришлари зарур.

Деҳқончилик учун яна бир офат бўлган чигиртка балосининг бу йил ҳам экинзорларга зарар етказиш хавфи бор. Мутахассисларнинг кузатишича, Шеробод, Бойсун, Музrabод туманлари ҳамда Туркманистон ва Тожикистон билан чегарадош ерларда мароқаш чигирткасининг кўплаб туҳум қўйгани аниқланган. Бу офатнинг олдини олиш учун ҳозирданқо барча чораларни кўриш керак.

Албатта, Сурхондарё вилоятда рўй бераётган оқсоқлик ва нуқсонлар ҳақида яна кўп гапирishi мумкин. Лекин энг катта камчилик - ишни тўғри ташкил эта билмасликдан иборат.

Вилоятда ҳамон эски тузумдан қолган маъмурий

вақтида огоҳлантириши, керакли кимёвий дорилар ва ускуналар билан таъминлаши, энг муҳими, қимди бу ишларга бош-қош бўлиши керакми-йўқми?

Нима, ғўзанинг кушанда-си бўлган вилт касалига чора толган олимларимиз бу касалликнинг олдини ололмайдими? Ҳамма гап шундаки, бу борада аввало масъулиятсизлик, бепарволик, ўзи-бўларчилик, лоқайдликка йўл қўйилган.

Афсуски, вилоятда ўтган йилги камчиликлардан ҳали-бери ҳулоса чиқариб олингани йўқ. Галла майдонларининг бугунги аҳоли бултурги хатолар давом этаётганини кўрсатиб турибди. 96 минг гектар суғориладиган майдонга экилган бошоқли дон экинларининг ривожига аксарининг майдонларда ниҳоятда суст.

Бу йил ҳам Ангор, Жарқўрғон, Узун туманларида «занг» касаллиги пайдо бўлди. Ҳукумат топшириги билан унга қарши кураш чоралари кўрилмади. Лекин бошқа туманлар ҳам хотиржамликка берилмасликлари, бу офатнинг тарқалиб кетмаслиги учун қатъий ва самарали чораларни кўришлари зарур.

Деҳқончилик учун яна бир офат бўлган чигиртка балосининг бу йил ҳам экинзорларга зарар етказиш хавфи бор. Мутахассисларнинг кузатишича, Шеробод, Бойсун, Музrabод туманлари ҳамда Туркманистон ва Тожикистон билан чегарадош ерларда мароқаш чигирткасининг кўплаб туҳум қўйгани аниқланган. Бу офатнинг олдини олиш учун ҳозирданқо барча чораларни кўриш керак.

Албатта, Сурхондарё вилоятда рўй бераётган оқсоқлик ва нуқсонлар ҳақида яна кўп гапирishi мумкин. Лекин энг катта камчилик - ишни тўғри ташкил эта билмасликдан иборат.

Вилоятда ҳамон эски тузумдан қолган маъмурий

буйруқбозлик усули яшаб келмоқда. Мутасадди раҳбарларда мулкка, ерга бўлган муносабат ҳамон ўзгармаяпти. Деҳқонда эгаллик ҳиссиётини тарбиялаш мақсадида унинг меҳнатини адолатли баҳолаш, уни рағбатлантириш йўқ. Шу туфайли одамларда моддий манфаатдорлик туйғуси шаклландираяпти. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган, хўжаликлар ва деҳқонларнинг иш юритишдаги муштақлиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ҳаётга жорий этилмапти.

Мисол қидириб узоққа боришнинг ҳолати йўқ. Айтилик, атиги 10-15 центнердан ҳосил етиштириб зарар қўриб ишлаётган жамоа хўжалиқларининг ерларини ишининг қўзини биладиган, омилкор фермерларга бўлиб бериш мумкин эмасми?

Мумкин, албатта. Лекин ана шундай 67 та иқтисодий ночор хўжаликнинг ҳар бирини тепасида камиди 20-30 тадан бошқарув ҳодими ўтирибди. Табиийки, бу одамлар ўз мансабидан, ўз манфаатидан жудо бўлмаслик учун бу ишга тўсқинлик қилади. Бу масалани ҳал этиш бевосита вазифаси бўлган вилоят, туман раҳбарлари эса, афсуски, ўзининг савияси, билими, қатъиятлиги, жонқурлиги етишмагани туфайли бу ҳақда бош қотирмайди.

Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига, ўзи яратаётган бойликнинг хўжайинига айланмас экан, унинг ишида самара бўлмайди, деб ҳаммамиз қайта-қайта гапирмиш, аммо қачон бу борада амалий ишларга ўтамиз? Қачон Сурхондарёда бу масалада ўзгариш бўлади?

Вилоятда сўнги икки йил давомида 76 та хўжалик мулкни пай ва меҳнатни ташкил қилишининг

(Давоми 3-бетда).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари, республика вазирилик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Сурхон воҳасини жанубий сарҳадларимизнинг мустақам қалқони, дея таърифлади. Ўтган йили «Алломиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланганда вилоятни нафақат республикамиз, балки бутун ҳаҳон қайта кашф этганини қайд этди.

Юртбошимиз вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ислохотларни ўтказишда сусткашликларга, ҳато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини таъкидлади. Кейинги йиллар давомида вилоятда пахта етиштириш режаси сурункасига бажарилмай келмоқда, ҳосилдорлик даражаси ҳам тобора пасайиб бораётти. Ўтган йили «занг» касалига чалингани боис галла тайёрлаш режаси эллик тўрт фоизга удраланди, холос. Бундай қоникарсиз аҳволнинг бош сабаби ислохотлар ўтказишда етарлича қатъиятнинг йўқлиги, тадбиркорликка кенг йўл очилмаётганидир. Бу эса пировард натижада одамларнинг турмуш даражасига салбий таъсир этмоқда.

Президент Ислон Каримов вилоятдаги вазиятни яхшилаш бўйича кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, аввало, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокими Ж.Норалиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига кўра депутатлар республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Б.Олимжоновни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда сўзга чиққан Шеробод тумани ҳокими А.Лапасова, Термиз Давлат университетининг ректори Н.Тўраев, «Аёл ва замон» газетасининг бош муҳаррири Ж.Эргашева, Олий Мажлис депутати, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, таникли ёзувчи Э.Аъзамов вилоятдаги ислохотлар жараёнини жаллалаштириш учун, йўлбошимиз таъкидлаганидек, турли бўғиндаги раҳбарлар, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамжиҳат ва халқ билан ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилиши зарурлигини айтдилар.

Мусулмон Намозов,
Чори Тўхтаев,
ЎЗА мухбирлари.

КИЧКИНТОЙЛАР КУВОНЧИ

Ислон оламининг тибаррук айёми Йўл Қурбон — Қурбон ҳайити бутун мамлакатимиз каби Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларда, маҳалларда ўзгача — меҳроқибат, хайр-саҳоват тадбирларига бой тарзда нишонланди. Мазкур байрам Бўка туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳам бир олам қувонч бахш этди.

Тошкент Ислон университети ўқитувчи ва талабалари ўз ҳомийлари «Кронос» хусусий корхонаси вакиллари билан ушбу дарғоғча ташриф бўриб, болаларга байрам дастурхони ёзди. Шунингдек, ўкув анжумани, мебель, кийим-кечак, турли ўйинчоқлар — жами тўрт миллион сўмлик совға туҳфа этилди.

ҚАЛБДА ҚУЁШ ПОРЛАГАН КУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

қадалгани учун ҳам бу кун катта байрамга айланган, сумалаклар қайнатилган, кўпчилик, пойга каби халқ ўйинлари ўтказилган, дорбозлар полвонлар томоша кўрсатган, дошқозонда ош дамланган, тўйлар бошланган. Бугун ҳам бу ўлмас аънааналар амалда: азамат спортчиларимиз юртимиз доврўгини оламга

ёймоқда, ўзбек автомобиллари пойгага солинган тулпордек кўзани қувнатмоқда, онахонлар сумалак пишириб, эл-юртга кутбарак тиламоқда, бахтиёр келинчақлар ўз халқига ва Йўлбошчисига миннатдорлик билан салом бermoқда. Наврўзнинг юртимизда доим қалбларни қуёшдек нурлантирадиган, юртга ризқ-рўз келтирадиган

улуг айём сифатида бунчалар катта тантана билан нишонланишининг сабаби шунда.

Мамлакатимизда тинч ва тотув яшаётган турли миллат вакиллари учун Наврўз айни пайтда дўстлик байрами ҳамдир. Зеро, юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик уларнинг бунёдкорона меҳнати. фаровон ҳаёти учун имкон яратмоқда.

Умумхалқ байрами серқуёш Ўзбекистонимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос тарзда нишонланади. Аънаана мувофиқ Миллий богдаги асосий тантаналарда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари байрам наволарини ижро этади. Уларда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос санъати намойиш этилиб, халқ ўйинлари, лалар ва айтишувлар баҳорий қўшиқларга улашиб кетади.

Тарихий қадриятларни тиклашга юксак эътиборнинг яна бир намунаси - Президентимиз ташаббуси билан келгуси йил Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланишидир. Бугунги кунда нафақат Сурхондарёда, балки бутун республикамизда юбилейга тайёргарлик ишлари бе-слаб юборилган. Вилоятдаги кўплаб меъморий обидалар тикланмоқда, янги маданий-маиший иншоотлар қурилмоқда, текис ва равон йўллар бунёд этилмоқда, кенг миқёсдаги



ободонлаштириш ва кўчаларнинг янги ишлари амалга оширилмоқда. Сурхондарёлик санъаткорлар барча вилоят аҳли номидан озод насимларга етган Термизнинг тўйи учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этади.

Театрлашган байрам томошаси машҳур эстрада хонандаларининг Наврўз, баҳор ва муҳаббат ҳақидаги қўшиқлари билан яқунланади. Бу бежиз эмас. Зеро, инсон учун баҳор аввало муҳаббат демокдир. Бу улуг айёмда она Ватанга муҳаббат туйғуси барчамизни бирлаштирувчи, келажак сари етакловчи улуг куч эканлигини яна бир бор теран ҳис қиламиш.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари хондилари билан суҳбатлашди. Юртбошимиз, ав-

вало, байрам томошаси юксак савияда ўтганини таъкидлаб, унинг ташкилотчилари ва иштирокчиларига самимий миннатдорлик билдирди. Наврўз минг йиллардан буён яшаб келаётган халқ байрами, бинобарин, бундай томошаларда қадимий аънаваларимизга кўпроқ эътибор бериш зарур. Миллий урф-одатларимиз, фақат ўзимизгагина хос маданиятимиз ва санъатимизни намойиш қилиши Наврўз рўҳига жуда мосдир, деди жумладан Президент.

Шу кун байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла-ю оромгоҳларда давом этди.

Беҳзод Усмон
Мусулмон Намоз
(ЎЗА).

ҚУЁШ ТОНГ САҲАР БОШ ҚУТАРИБ, ЗАРРИН НУРЛАРИНИ БЕЛОЁН КЕНГЛИКЛАР УЗРА ЁЯ БОШЛАГАНДА, ҚУШКАРНАЙ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ. БўКА ШАҲРИ АҲОЛИСИ, ХўЖАЛИКЛАРДАН КЕЛГАН ПАХТАКОРЛАР, ГАЛЛАКОРЛАР, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ, МАКТАБЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ ТУМАН МАРКАЗИ ТОМОН ОҚИБ КЕЛА БОШЛАДИЛАР. ҚАТОР-ҚАТОР ДОШҚОЗОНЛАРДА ДАМЛАНГАН ОШ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ТОРТИЛДИ. ОРАДАН КўП ЎТМАЙ МАРКАЗИЙ МАЙДОНДА ТУМАН СПОРТЧИЛАРИНИНГ КўРГАЗМАЛИ ЧИКИШЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ. Айниқса, арқон тортиш беллашувлари қизиқарли ўтди.

Хўжаликлардан, мактаблардан, корхоналардан келган турли миллат вакиллари билан иборат санъат муҳлисларининг чиқишлари эса тушгача давом этди. Ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик тилларида янграган қуй ва қўшиқлар рақсларга улашиб кетди.

Санъаткорларимизнинг чиқишлари олқишлар билан тилга олингани бежиз эмас, — деди туман маданият бўлими мудири Рустам Худойкулов. —

Хўжаликлардан, мактаблардан, корхоналардан келган турли миллат вакиллари билан иборат санъат муҳлисларининг чиқишлари эса тушгача давом этди. Ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик тилларида янграган қуй ва қўшиқлар рақсларга улашиб кетди.

Санъаткорларимизнинг чиқишлари олқишлар билан тилга олингани бежиз эмас, — деди туман маданият бўлими мудири Рустам Худойкулов. —

ҚУЙ ҚУШИҚҚА УЛАНДИ

Чунки бугун жойларда бўлиб ўтган қўрик-танловда Ғолиб қишқан совриндорлар ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.


Қўшиқ шинавандлари шу кун таникли хонанда Ғиёс Бойтоев қўшиқларини икки соат мобайнида мароқ билан тингладилар.

Наврўз байрамини ўтказиш арафасида туманда байрам шанбалиги ўтказилган эди. Ана шу маблаг ҳисобидан уруш қатнашчилари, уруш орти фидойилари, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кўзи ожизлардан 1074 кишига турли хил байрам совғалари тарқатилди. Ушбу хайрия ишидан тумандаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам баҳраманд бўлдилар. Бунинг учун 761 минг сўм сарфланди.

Ёшим етмиш бирда, пенсиядаман, — дейди юзларидан нур ёғилиб турган Ҳаким ота Маҳмудов. — Невараларимни бошлаб келган эдим. Байрам шундай қизиқарли ўтаётти, қаранг, соат учга яқинлашса ҳам кетгимиз йўқ. Энг муҳими, улғайиб келаётган ёш авлод Наврўз қандай ажойиб ўтаётганини кўриб, келгуси йилги байрамни орзиқиб кутадиган бўладилар. Мен шунга хурсандман.

Тинчлик, осойишталик барқарор бўлган ўлкада байрамлар ҳам ана шундай файзли ўтади.

Темур ХАЙДАРОВ.



ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

(Охири. Боши 1-2-бетларда).

оилавий пудрат усули асосида ишлайдиган кооператив-шаркат ҳужалиқлариغا айлантирилган эди.

Аммо текширишлар бу ишнинг фақатгина қозоғида амалга оширилганини кўрсатмоқда. Ерлар оилавий пудратчиларга номинативга бўлиб берилган, лекин улар ернинг ўзига қанча муддатга берилганини ҳам билмайди, қўлида бу ҳақда ҳужжати йўқ.

Холбуки, қишлоқ хўжалиғига оид қонунларда бу масалалар очик-равшан ечиб берилган.

Фермер хўжалиқларининг аҳоли таҳлил этилганда ҳам жиддий нуқсонлар кўзга ташланади. Бугунги кунда вилоят бўйича 2 минг 814 та фермер хўжалиғи бор. Уларнинг пахта етиштиришдаги улуши 36,7 фоизни, галлачиликда эса 25,7 фоизни ташкил этади. Албатта, уларнинг барчаси ҳам бирдек ишлаяпти, деб бўлмайди.

Акс ҳолда, вилоятда ташкил этилган фермер хўжалиқларининг қарийб эллик фоизи амалда мустақил эмаслигига нима дейиш керак? Улар бирон-бир ташкилот ёки корхона билан шартнома туюлмайдими, банк операцияларини амалга оширолмайди. Чунки уюшма ва хўжалиқлар қонунга зид равишда бу ҳуқуқни улардан тортиб олган.

Бундай беэъомият, соғлом ақлга тўғри келмайдиган антиқа усулларни ким ўйлаб чиқарди?

Аслида, бу уюшмаларнинг бурчи хўжайинлик қилиш эмас, балки фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, уларга кўмак бериш, шароит туғдириб бериш, мададкор бўлиш эмасми?

Вилоятда қишлоқ хўжалиғи ривожига ҳалақат бераётган яна бир муаммо — урта ва қуйи бўғиндаги раҳбар кадрлар ва мутахассисларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи билан боғлиқ.

Кейинги икки йилнинг ўзиде вилоятда туман ҳокими ўринбосарларидан 32 нафар, жамоа ва шаркат хўжалиқлари раҳбарларининг қарийб эллик фоизи алмаштирилган.

Афсуски, бу ўзгартирилган ишни яхшилашга ҳизмат қилмаган, аксинча, раҳбарларнинг ўзига ёқмай қолган кадрларни ишдан олиш, ишончини қозониб олганларга лавозим бериш мақсадида амалга оширилган.

Хурматли дўстлар! Вилоят саноатининг бугунги аҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги аён бўлади.

Масалан, ўтган йили 14 та корхона 183 миллион сўмлик саноат маҳсулотини, 20 та корхона қарийб 161 миллион сўмлик халқ истеъмол молларини режадагидан кам ишлаб чиқарганини қандай баҳолаш керак?

Корхона ва ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олмасдан иш тутгани, ҳаридоригр маҳсулот тайёрлашни йўлга қўя олгани натижасида вилоят оғирлиқларида 1 миллиард 606 миллион сўмликдан зиёд тайёр моллар сотилмай ётибди.

Саноатни бозор иқтисодиёти талабларига бинноан замонавий технология асосида қайта куриш масаласи билан вилоятда ҳеч ким жиддий шуғулланмаётгани йўқ.

Очик айтиладиган бўлсак, аксарият корхоналар но-

мигагина давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Лекин, вилоят раҳбарлари, маъруз жамиятларнинг етакчилари бугунги кун талабларини, бозор иқтисодиёти қонунларининг моҳиятини тўғри англаб, ўз ишини шу асосда ташкил эта олмапти.

Вилоят бўйича 85 та корхона ва ташкилотнинг 456 миллион сўмлик, шу жумладан, 1999 йилда чет эл инвесторларига сотишга мўлжалланган 216 миллион сўмлик акцияларидан бирортаси ҳам ўз харидорини топмагани ҳам буни очик кўрсатиб турибди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 31 та қўшма корхона рўйхатга олингани ҳолда уларнинг фақат 20 таси фаолият кўрсатяпти. 11 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб қолган, ҳатто, бир қисми тугатилиш арафасида турибди.

Энг ачинарли томони шундаки, номинативга тизилган, ишнинг самараси йўқ бу корхоналарнинг аксарият қисмини қўшма корхона, деб аташга ҳам тил бормайди.

Уларнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўрнига, олди-сотди йўлига ўтиб олган. Ҳатто, қўшма корхона сифатида Сурхондарёда рўйхатдан ўтиб, аслида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тижорат билан шуғулланаётган «ишбилармонлар» ҳам йўқ эмас.

Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб, ишни шу асосда йўлга қўйишимиз лозим. Қўшма корхона деганда, биз энг аввало, хорижий сармоя иштирокида қурилган, илгор технология асосида жиҳозланган, импорт ўрини босадиган, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган замонавий қувватлари назарда тутамиз.

Албатта, Сурхондарё вилоятда қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий сармояларни жалб қилишнинг ўзига яраша объектив қийинчиликлари мавжудлигини инкор этмайлик. Ўзини Сурхоннинг чегара ҳудуди эканлиги, ён қўшилариимиз бўлган баъзи давлатлардаги беқарор вазият бунга таъсир ўтказиши табиий. Лекин, шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Муҳтарам сессия қатнашчилари! Қишлоқ хўжалиғи ва саноат соҳасида, умуман, вилоят иқтисодиётида йўл қўйилаётган оқсоқликлар ўз навбатида ижтимоий ривожланиш масалаларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ахир, деҳқончилик ривожланмас, маҳсулот ишлаб чиқариш ошмас, қаердан даромад бўлади? Табиийки, бу ҳолат аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, мактаб, тиббий ва маиший ҳизмат, одамларни иш билан банд этиш муаммоларини ҳал этиш имконини бермайди.

Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Газ қувурлари ётқириш режаси ўтган йили Бандихон туманида атиги 5,3 фоизга бажарилган. Бу кўрсаткич Кумқўрғон туманида 55, Термиз туманида 58,5, Узун туманида 54,9, Шеробод туманида 86,4 фоизни ташкил этади. Ичимлик сув тармоқларини ётқириш режасининг бажарилиши эса Узун туманида 20,6 фоиз, Шеробод туманида эса 45,5 фоиздан ошмайди.

Бугунги кунда вилоят бўйича 46 та қурилиш бошланган иншоот мавжуд. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларига қарашли кўплаб шифохоналар ва мактаб бинола-

рининг бундан 7-9 йил муқаддам бошланган қурилиш ҳалигача якунига етмаган.

Хусусан, 1996-1999 йиллар мобайнида қишлоқ жойларида мактаблар қуриш режаси атиги 64,6 фоизга бажарилган. Бир неча йиллар олдин бошланган 27 та мактаб биносининг қурилиши тўхтатиб қўйилган.

Вилоятда 206 та қурилиш ҳамда қурилиш соҳасига тегишли ташкилот мавжуд. Ўтган йили бу ташкилотлардан 94 таси 1991 йил нархларига қийслаганда 160 минг сўмдан 900 минг сўмга миқдорда қурилиш ишларини бажарган бўлса, 20 та қурилиш ташкилоти бажарган иш ҳажми 100 минг сўмга ҳам етмаган.

Вилоят ҳокимлиги ҳам, республикадаги мутасадди раҳбарлар ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётган бу ташкилотларнинг, улардаги ишчи-хизматчиларнинг тақдирига бефарқ қараб келаётганига нима дейиш мумкин?

Буларни сақлаб туришдан мақсад нима? Мен бу саволни Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган ййгилишида ҳам шахсан вилоят ҳокими берган, афсуски, тайинли жавоб ололмаган эдим.

Фақат Вазирлар Маҳкамаси талаб қилгандан сўнггина банкротлик ҳолатига тушиб қолган 64 та қурилиш ташкилотининг бир қисмини бирлаштириш, бошқа ташкилотларга қўшиб юбориш ва бутунлай тугатиш ҳақида таклиф берилгани ана шу бефарқлиқнинг яққол қўриниши эмасми?

Бундан ташқари, қурилиш жараёнида ўтмишдан қолган қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик иллатлари ҳам бор.

Вилоятда янгитдан қурилаётган ва қайта таъмирланаётган 12 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей қурилиши текиширилганда устама харажатларни ортиқча қўллаш йўли билан 26 миллион 400 минг сўмлик бюджет маблағлари нотўғри ва ортиқча ишлатилгани аниқланди.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг ишлари яхшилаш борасида бирмунча ишлар қилинганга қарамастан, ҳали анчагина муаммолар мавжуд.

1-вилоят шифохонасининг учта бўлими авария ҳолатидаги биноларда фаолият кўрсатмоқда. Вилоят болалар шифохонаси, вилоят тугруқхонаси, Термиз шаҳридаги тез тиббий ёрдам маркази, бир қатор туманлардаги шифохоналарнинг аҳоли талаб даражасида эмас.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимида тибб ислохотларини амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинаётгани барчангизга яхши маълум.

Аммо, вилоятдаги халқ таълими муассасаларининг ишчи қоникарли деб бўлмайди. 778 та мактабнинг 358 таси мослаштирилган биноларда жойлашган.

Мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш вилоят бўйича атиги 13 фоизни ташкил этади. Хўжалиқлар тасарруфидеги 123 та боғча турли сабабларга кўра ишламай турибди.

Вилоят мактабларида бугунги кунда энг муҳим фанлар — математика, биология, тарих, физика, кимё, инглиз тили, она тили ва адабиёти, ҳуқуқшунослик бўйича 1 минг 589 нафар ўқитувчи етишмайди.

Ўш, бу ҳолат вилоят раҳбариятини, унинг фаоллари ташвишга солиши керакми-йўқми?

Лекин вилоятда таълим соҳасига бевосита жавобгар бўлган одамларнинг баъзи бир қилмишларига нима дейиш керак?

Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Б.Мирзаев бошқарманинг режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Х.Худойбердиев билан тил бириктириб, Шеробод туманидаги ёш сайёҳлар оромгоҳи директори Н.Садатовдан пора олаётган пайтда қўлга тушган ва жиноий жавобгарликка тортилган.

Унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Н.Ҳайиткулов эса мактаб ва мактабгача бўлган тарбия муассасаларини таъмирлаш учун ажратилган 5 миллион сўмдан зиёд маблағни ўзлаштириб юборган.

Олтинсой тумани халқ таълими бўлими мудири Н.Сувонов ҳам туман молия бўлими мудири Ў.Абдусатторов билан тил бириктириб, 197 минг сўм маблағни ўзлаштирган. Мансаб ваколатларини сунистеъмом қилган бу шахслар халқ таълимига ажратилган маблағларни нотўғри режалаштириб, давлатга 35 миллион сўм зарар етказишган.

Термиз шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Х.Чориевнинг кирдиқорлари эса ҳаммасидан ошиб тушади. У шаҳардаги 6 та болалар боғчасига умуман олинмаган озиқ-овқат маҳсулотларини олинди деб 21,4 миллион сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштирган.

Энди ўйлаб кўрайлик, таълим-тарбия соҳасига мана шундай ноинсофликмасалар раҳбарлик қилаётган бўлса, соғлом авлоднинг камол топириши ҳақида гапириш мумкинми?

Халқ таълими соҳасидаги бу каби иллатлар вилоятда раҳбар кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг ишчи талабчанлик билан назорат қилиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан яна бир далolat эмасми?

Афсуски, бундай қонунбузарлик ҳолатлари бошқа соҳаларда ҳам мавжуд. Ўтган йилнинг ўзиде 186 та ташкилотда ўтказилган текширишлар натижасида давлатга 118 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилгани аниқланди. Шундан 76 фоиз ёки 90 миллион 250 минг сўминини камомад ва ўғрилиқлар ташкил этади.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Жарқўрғон туманидаги айрим раҳбар шахслар фуқароларнинг ҳақиқа, аниқроғи, нафақа пулларига ҳам чанг солиш даражасига бориб етган. Почта алоқа бўлимининг бошлиғи А.Шоймуродов ўз қўл остидаги ходимлар билан тил бириктириб, 1 миллион 805 минг сўмлик нафақа пулини ўзлаштирган.

Беихтиёр ўйлаб қолсан киши: нархоти, куппа-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгиде шундай жиноятлар содири этилсаю бутун бошли вилоятда бу нопок кимсаларнинг мушугини пишт даяринг бирор мард топилмасми?

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қонунчилигини, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасидаги фаолияти бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида фуқароларни ноқонуний жа-

вобгарликка тортиш ёки жазодан озод қилиш, тергов жараёнларини асоссиз равишда қўзиш каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Айниқса, хизмат вазифаси ва бурчи бевосита қонунни, давлат манфаатини, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат бўлган идораларнинг баъзи ходимлари ҳам жиноятчиликка қўл ураётганига асло мурося қилиб бўлмайди.

Кейинги икки йилда 3 нафар судья, 54 нафар ички ишлар ходими, 11 нафар боғжона ходими, 11 нафар солиқ идораси ходими нисбатан жиноий иш қўзғатилгани шу фикрнинг тасдиғи эмасми?

Шунинг учун ҳам вилоятда жиноятлар сони 1998 йилга нисбатан ўтган йили 8,6 фоизга ошган. Жумлаан, оғир жиноятлар 18,6 фоиз, босқинчилик 33,3 фоиз, талончилик 9,3 фоиз, ўғрилик 22,7 фоиз, гиёҳванд моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар 17,1 фоизга ўсган.

Биргина ўтган йилнинг ўзиде моддий бойликларни ноқонуний йўллар билан вилоятдан олиб чиқиб кетишга уринган 24 нафар шахсга нисбатан 19 та жиноий иш қўзғатилиб, улардан қарийб 68 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Афсуски, бундай ноҳуш ҳолатлар давом этаётганини жорий йилнинг ўтган 2 ойида 3,5 миллион сўмлик моддий бойлик чегарада ушлаб қолингани ҳам кўрсатиб турибди.

Қисқа қилиб айтганда, бу соҳадаги нуқсонларнинг барчаси вилоят раҳбариятининг масъулиятсизлиги, бепарволик, ўзибўларчилик, лоқайдлик кайфиятига берилиб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани билан изоҳланади.

Хурматли дўстлар! Ўзингиз биласиз, ҳар қандай яхши ишнинг ҳам, ёмон ишнинг ҳам келиб чиқиш сабаблари бўлади.

Вилоятда юзага келган бундай ташвишли вазиятнинг тахлил этадиган бўлсак, кўп камчиликларнинг илдириши шу вилоятни бошқарадиган раҳбарлар, мансабдорлар, аввало, биринчи раҳбарга бориб тақалиши ҳаммамиз учун аён.

Барчангизга маълумки, вилоят раҳбарларини танлаш ва сайлаш пайтида, биринчи навбатда, биз бўлгуси ҳоким шу воҳонинг ҳаётини, унинг муаммоларини яхши биладиган, уларни ҳал этиш учун жон куйдирадиган, шу муҳитда тобланган, фикри, дунёқарши, турмуш тарзи шу ердаги одамларга яқин бўлиши керак, деган қараш ва принципларга суянмаемиз.

Яна бир бор такрор айтмоқчиман: ўзини етакчи деб, раҳбар деб, карвонбоши деб ҳис қиладиган, ўз зиммасига раҳбарликнинг ўта оғир масъулиятини оладиган одам шу юртининг гам-ташвишлари, бир сўз билан айтганда, **шу эл-юрт нафаси билан яшаш, ҳаёт кечирishi керак.**

Мана шундай ўй-фикрларга асосланиб, 1993 йили вилоятга янги раҳбар, янги ҳоким тайинлашда Жарқўрғон тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Жўра Норалиев номзодига тўхтаган эдик.

Тўғри, Норалиев Сурхондарёнинг нафақат иқтисодий ҳаёти, керак бўлса, маданий ҳаётининг ўсиши, вилоятда соғлом муҳит яратиш, югуриб-елиб одамларнинг оғирини енгил қилиш борасида ўзини аямасдан ишлади, жон куйдирди. Вилоятда амалга оширилган кўп ишлар-

да, хусусан, Термиз шаҳри қиёфасининг ўзгаришида, ободончилик ишларида, маданият ва спорт каби соҳаларнинг ривожланишида унинг қўшган ҳиссасини ҳеч ким инкор қилмайди.

Бир сўз билан айтганда, Ж.Норалиев дастлабки йилларда ўзига билдирилган юксак ишончини оқлашга ҳаракат қилди. Сурхондарё вилоятда чегараларни мустаҳкамлашда, ҳарбийларимиз учун тегишли шароит яратиб беришда вилоят ҳокими сифатида унинг ҳам ҳиссаси катта.

Лекин вазиятга ҳолисона баҳо бериб айтганда булар билан бугунги замонда бу раҳбар муҳим бир ҳақиқатни, яъни кечаги билим, кечаги тажриба ва дунёқараш билан бугунги ишлар, айниқса, ҳокимлик лавозимини бажариш мумкин эмаслигини тушуниб етмади. Оқибатда вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида мана шундай хато ва нуқсонларга йўл қўйилди.

Биз Норалиевни, раҳбарлик фаолиятидаги камчиликлари ҳақида, ташкилотчилиги, талабчанлиги, қатъияти етишмаётгани тўғрисида, шу боис кўпгина ноҳуш ҳолатлар пайдо бўлаётгани ҳақида оғоҳлантирганимиздан, унга жуда қаттиқ талаб қўйилганидан кўпчилик хабардор, деб ўйлайман.

Афсуски, тегишли хулосалар чиқарилмади. Охири пайтларда у нафақат ўзига, балки вилоятнинг бошқа раҳбарлари, туман ҳокимларига нисбатан талабчанлигини бўшаптириб юборгани, мавжуд нуқсонларга қарши мурося бўлиш, уларга қарши курашиш масаласида **ўзининг заиф бўлганини кўрсатди.** Камчилик ва хатоларни кўра-били туриб, ўзини кўрмасликка олди.

Ҳаммамиз яхши тушунаемиз — бундай ҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди — охир-оқибатда вилоятдаги ижтимоий муҳитни бузишга сабаб бўлиши мумкин.

Энг кечириб бўлмайдиган ҳол — бу одамнинг ҳам кейинги вақтда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик гирдобига тушиб қолганидир.

Акс ҳолда, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси, вилоят газлаштириш идорасининг бошқарувида ташқари яна 7 та ана шундай йирик ташкилотнинг раҳбарлари ҳам бевосита унинг ҳамшаҳарлари, қариндош-уруғлари эканини қандай изоҳлаш мумкин?

Мени катта ташвишга соладиган ҳолат шуки, бундай уруғ-ғаймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, қабилабозлик иллатларига нафақат биринчи раҳбар — менда етарли далиллар бор — бундай касалликка, эскидан қолган бу оғир асоратга вилоятдаги кўпчилик раҳбар курсида ўтирганлар ҳам берилиб кетган.

Бундай интилий, кайфият ва ҳаракатлар, сўзсиз, аввало, халқимизнинг раҳбарларга бўлган ишончини, хурматини, энг ёмони, одамларнинг ҳақиқатга, адолатга бўлган ишончини йўқотишга олиб келиши табиийдир.

Афсуски, бу иллатнинг айрим ҳудудларда, жумлаан, Сурхондарёда ҳам ноҳуш оқибатлар келтириб чиқараётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг оқсаятганлиги ҳам, халқнинг турмуш фаровонлиги ўсмаётгани ҳам, қатор долзарб муаммоларнинг вақтида ечимини топмаётгани ҳам бир жиҳатдан ана шу иллатга боғлиқ.

Мен бу борада ўзимни қийнайдиган бир саволни беришга мажбурман.

Нега шу юртининг тузини тотиб улғайган зиёлилар, элга таниқли фан ва маданият вакиллари бу масалага бефарқ бўлиб туради? Нега уларни, қачон биз бу касалликдан қутуламиз, деган савол қўймайди?

Қачонгача бундай ноҳуш ҳолатларга чидаб юрамиз? Нима учун бундай асоратларга қарши жамоатчилигимизни кўтармаймиз? Унинг куч ва имкониятларини ишга солмаймиз?

Бундай масала, бундай вазифа ҳар қайси инсон, мана шу муқаддас замин она юртим бўлади, деб, барчамиз учун аяқо ягона бўлган мана шу Ватан — менинг ўзим, менинг фарзандларим, келажак авлодларимнинг ҳам Ватани, деб ҳис қиладиган ҳақиқий жонқуярлар олдида уларни бефарқ қолдирмайдиган, уларнинг қалбини ёндириб турадиган савол бўлиб қолишига қаттиқ ишонман.

Сурхондарё вилоятда бу борада ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Бунда биз биринчи галда мана шу заминда яшайдиган, уни ўзининг она юрти деб билладиган, унинг ор-номуси, шаъни учун курашадиган, виждонли, диёнатли, ватанпарвар инсонларга таянамиз.

Сурхон воҳаси олдида турган улкан вазифаларни амалга оширишда, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларининг масъулияти ҳақида гапириш ортиқча, деб биланам.

Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоат назоратини ўрната олмас эканми, юқорида тилга олинган иллатлар олга юришимизга ҳалақат беравереди.

Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллар, ҳамма ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини, катта-кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчиликларини рўй-рост очиб ташлаши керак.

Бу ишда айниқса оммавий ахборот воситаларини фаоллик кўрсатиши лозим. Афсуски, вилоятда чоп этилаётган газеталарда ҳам, телекўрсатувлар ва радиозаштиришларда ҳам журналистларнинг жонқуярлиги, ташаббускорлиги, фидойилиги сезилмапти.

Хурматли депутатлар! Юқорида зикр этилган мулоҳаза ва хулосаларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги мажлисимизнинг кун тартибига қўйилган ташкилий масаланинг амалий қисмига ўтайлик.

Жўра Норалиев вилоятда мавжуд бўлган вазиятнинг инобатга олиб, ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганини сизларнинг эътиборингизга етказмоқчиман. Бу масалани овозга қўймоқчиман.

Энди вилоятга янги сайланадиган ҳоким ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, биз бу масала юзасидан кўп ўйлаб, мулоҳаза қилиб, вилоятдаги фаоллар билан ҳам маслаҳатлашиб, уларнинг фикрлари, истакларини ҳам инобатга олган ҳолда, вилоятда рўй берган ноҳуш ҳолатларга бундан буён чек қўйиш мақсадида **бу ердаги**

маҳаллийчилик, қариндош-уру

Зулфия мукофотининг соҳибалари ОРЗУЛАРИ БИР ДУНЁ

Халқимиз азалдан ўз истеъодларини эъозлаб келган. Шу боис, бултур Юртбошимизнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони чиққанда мамлакатимиз фуқаролари, жумладан адабиёт илмозмандларининг қалблари қувончга тўлди. Баҳорнинг илк байрами муносабати билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашаётган бир гуруҳ ёш хотин-қизлар шоира номидаги мукофотнинг илк совриндорлари бўлишгани ҳақидаги хушxabар эса нур устига аъло нур бўлди.

Андижонлик муаллима Жамилахон Соткинова юксак мукофотга сазовор бўлган 14 аёлнинг бири. У Избосқандаги 6-ихтисослаштирилган мактаб интернатининг инглиз ва урду тиллари бўйича ўқитувчиси. Жамилахон 1993 йили тумандаги 37-мактабни тугатган. Мактабда 2-синфдан бошлаб урду тилидан сабоқ олган.

У бу фанни ўзгача иштиёқ билан ўрганди. Ёш биринчи синфда ўқиётган йили фан олимпиадасининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади ва Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг шарқ филологияси факультетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Институтда ҳам «аъло» баҳоларга ўқиди.

1997 йили институт аълочиларидан бир гуруҳи, Хиндистон халқаро ишлар ваколатхонасининг тақлифномасига кўра, танлов асосида Деҳлидаги жамия миллия Исламия университетининг бир

йиллик магистратураси тингловчиси бўлди. Бу ерда у урду тили ва адабиётини янада чуқурроқ ўрганди. «Урду фазалчилиги тарихи»дан сабоқ олди. Мирзо Голиб, Валий Даканий, Завқ, Холлий, Фироқ каби фазалнавис шоирларнинг асарларини мутлаа қилди.

Ҳозир у урду тилида равон гаплашади, таржималар қилади, энг муҳими, шу тилда нафис газаллар, рубоийлар битади. У ўз рубоийларидан бирини суҳбат давомида менга шундай таржима қилиб берди:

**Сенинг ишқинг билан мастман,
Хуснпараст эмас,
Кўнгилпарастман.
Гарчи зоҳиду, орифлардан пастман,
Баъзи ошиқларингга сарпарастман.**

Жамилахон ўқис давомида Хиндистоннинг 10 дан зиёд шаҳарларини бориб кўрди. Жаҳонга марши

шхур Тожаҳални зират қилди. Бобурийлар тарихини яқиндан ўрганди. Халқаро конференцияларда фаол қатнашди. Хиндистон Бош Вазирининг турмуш ўртоғи, таниқли адиба Шейла Гуджар талабалар билан учрашув чоғида ундан Зулфияхоним ҳақида сўради. Бир неча бор Тошкентда бўлиб, шоира билан яқиндан мулоқот қилганини ўзгача бир энтиқиш билан сўзлаб берди. Зулфияни ҳақли равишда шарқона вафодорлик тимсоли деб таърифлади.

Шу тариқа Жамилахонда Ватан ва миллат туйғуси янада сайқал топди. Дарвоқе, у институтда инглиз тилини иккинчи мутахассислик сифатида ўрганган эди. Жамилахоннинг келажакдаги ҳали олдинда. У эндигина 24 ёшга қадам қўйди. Яқиндагина турмуш қурди. Турмуш ўртоғи Нодирбек ўқимишли, маданиятли йигит.

Ёш муаллимнинг орзу-умидлари бир дунё. Вақти келиб шогирдлари дунёнинг энг ривожланган мамлакатларига бориб ўқишларини, мамлакатимиздаги энг нуфузли идораларида ишлашларини, етук мутахассислар бўлиб буюк келажакимизга сидқидил хизмат қилишларини истайди.

**Ш.НЕЪМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.**



Худойназар Сафаров Қарши шаҳридаги вилоят болалар шифохонасида фаолият кўрсатиб келаётганига қарийб 30 йил бўлапти. Олий тоифали ҳақим Худойназар Сафаров айна пайтда гастроинтродология (ошқозон, ичак, жигар хасталиклари) бўлимини бошқаради.

Соғлом авлод йилида болаларни ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлишлари учун бор имкониятлардан фойдаланаямиз. Бўлимимизда бир йўла 30 беморга тиббий хизмат кўрсатилади. Болалар соғлиги, юртимиз фаровонлигидир, дейишди шифокорлар.

Баҳор келди яна сўроқлаб

Азизим... Мен бугун Сизга илк бора мактуб ёзмақдаман. Бу мактубимда дил яроқлари янглиг нафис ҳислар баён қилинган. Йўқ, Сиз бу мактубни ҳеч қачон ўқимайсиз. Чунки, мен уни Сизга йўлламайман. Мактубни йўлламас экансан, уни ёзишдан не наф дерсиз, балки. Ҳа, мен мактубни йўлламайман, лекин дил сўзларим, қалб оҳанглагим ички тугёнлар бўлиб менга озор бермасин дея, қувончи ташвишим ночор аҳволдаги юрагимни толиқтиролмасин дея Сизга хат ёзаямман.

Никоҳ оқшомида ўзи билмаган, танимаган кимсага узатилаётган, нотаниш йигитга кўнгил боғлаган Кумушбиби Отабекни кўргач, ички бир титроқ ва кувонч билан «Сиз ўшамми?» дея савол беради.

Мен ҳам мард, жасур ва ўз сўзида собит турғувчи, ҳар қандай бало-қазога дадиллик билан қарши борғувчи жасоратли инсонларни ҳурмат қиламан, уларга тавоф қиламан. Лекин, минг афсуски, улар озчликни ташкил этади. Сизни илк бора кўрганимдаёқ ўзим қидиргандек кўрқмас, жасур инсон эканлигини ҳис қилдим. Йўқотиб қўйган кўғирчоғимни топиб олган гўдақдек ич-ичимга кувончли титроқ кирди. Ҳа, йиллар давомида қидирганим, денгиз тубида яширинган дуру гавхарим Сизсиз.

Сиз ўшасиз. Баҳор оқшомлариди чигиртка-

ларнинг сайрашларига кулоқ осиб, кўм-кўк осмонда сузиб юрган парк булутлар, ўз жамолини оламга кўз-кўз қилаётган тўлини ой ва баҳорий кечага ўзгача чирой бағишлаб турган юлдузларга тикилиб ўйлаганим, қидирганим, соғинганим Сизсиз.

Аёл қалби, аёл кўнгли шиша сингари нозикдир. Кичкинача бир тош ҳам бу шафқоф шишани чил-чил синдириши мумкин. Бу тонг эса хирс билан боқувчи нигоҳ ҳам, баландпарвоз севги изҳори ҳам

да акс этиб турган беҳаловатлики сезмайдилар, сезмасликка оладилар. Ундай инсонларга аёлнинг кўз ёши-ю, дил изтиробининг қизиги йўқ.

Азизим, мен муҳаббатга эмас, меҳрга зор аёлман, ўзим излаган меҳрни ҳеч қаердан топмадим. Сизнинг менга боққан кўзларингиз туб-тубидан топдим ўша меҳрни. Бир кам дунё дея фарёд чеккан эди ота-боболаримиз. Ахир бир кам дунё бўлмаса, ўз маликасига эга бўлган кўнглингиз боғига

сенинг кўнглингни авайлайди, сени севади». Иккинчиси эса, «Узлингни йўқотма, у сенинг юрагиндан отилиб чиқаётган нидоларингни фидо бўлиб тинглайди, дардинга малҳам бўлишга шошади, агар севгингни сезиб қолса, шу кундан бошлаб унинг учун оддий аёлларнинг бирига айланасан. Ҳозир эса у сени эъозлайди. Гавҳари шамчироқдек сени авайлайди. Йўлдан адашма» дея ақлу ҳушимни жойига келтиради.

Ишдан хориб-чарчаб уйга қайтар эканман, истироҳат боғи ёнидан ўтаётган бир-бирига интиқлик билан сўзсиз тикилиб турган инсонларга кўзим тушди. Узоқ айрилиқдан, орага тушган аёвсиз ҳижрондан сўнг қайта учрашган бу севилганлар бир-бирига изтиробли онлар ҳақида фақатгина кўзлар орқали сўзлашмоққа эдилар. Хонанда эса куйиб-ёниб қуйламоқдам.

Айтишим шартмиди ошиқлигимни. Ўзинг сезмадингми кўзимга боқиб, Ёки билмасликка олиб ўзингни Роҳатланасанму бағримни ёқиб... Йўқ, ҳеч қачон қалб ингроқлари юзага чиқмайди. Лекин кўзларингизга тикилиш, овозингизни эшитиш мен учун катта давлат, туғанмас бахт. Шундан жудо қилмасин мени ишқилиб худойим.

МЎЪТАБАРБОНУ.

АЁЛ ҚАЛБИ

бўлиши мумкин. Лекин АЁЛ фақатгина меҳрга зор бўлган Оллоҳнинг бандаси эканлигини баъзи кимсалар унутиб қўядилар. «Фойибона сочларингни силагайман ҳар кеча, Гулгун ёнган ёноғиндан бўса олганман неча...»

Ҳа, сочларини силаш учун узатилган қўллару, гулгун ёнган ёноғимдан бўса олишга интилган лаблар талайгина. Нечундир улар сочимни силамоқчи, ёноғимдан ўпмоқчи бўладилару, кўзларимдан томаётган шўр сув кўз ёшим сабабини сўрамайдилар. Кўзим қароғи-

янгилш қўнган қушча каби изтироб чекаримдим! Бу қушча гирён бўлиб боғдан уздлик билан учиб кетишга маҳкум. Чунки, мен бу боғ маликасининг кўзида изтироб алангаси пайдо бўлишини, айниқса, бу аланга мен тўфайли авж олишини ҳеч қачон хоҳламайман.

Муҳаббатга интиқ кўнгли ва ўжар ақл доимо тортишувда. Бирни айтиди: «Сен ҳам аёлсан, ўзинг ёқтирган инсонни минглаб одамлар орасидан топдинг. У ҳам сенга нисбатан эътиборсиз эмас. Топган бахтингни йўқотма, у

ЮЛДУЗ ҲАМРОҚУЛОВА

Президентимиз совғасини олган 11 ёшли қиз

да Юлдуз қашқадарёлик тенгдоши Нодира Нодиржонова билан юртимиз номидан иштирок этиди. У ўз гуруҳида 106 нафар иштирокчи ўртасида 11 имкониятдан 6,5 очко жамғариб 12-19 ўринларни бўлишиб олди. Мусобақадан ташқари ташкил этилган турнирда эса Юлдуз махсус совринга эга бўлди. Бу ёш шахматчи учун катта ғалаба эди. Ўз юртига қайтган шахматчи тенгдоши Нодира билан Юртбошимиз номида миннатдорчилик мактубини йўллади. Президентимиз бу ёш истеъодлар хатига жавобан уларга келгусида озод Ватанимиз шухратини дунёга ёйишда омадлар тилаб, қимматбахо совғасаломлар билан тақдирлади. Шу йилнинг 2 феврал кун республика «Олимпия шон-шухрати»

музейида бўлиб ўтган маросимда ёш шахматчи қизлар Юртбошимизга юксак эътиборлари учун миннатдорчилик билдириб, дил сўзларини изҳор этидилар. Улар Президентимизга тақдим этган медаллар музейдан ўрин олди.

- Бу кун мен учун ҳаётимдаги энг қувончли, унутилмас кун бўлиб қолди, - дейди Юлдуз ҳаяжон билан. - Юртбошимиз бизнинг мактубимизни эътиборга олиб ўз совғаларини юборди. Энг асосийси эса илҳомбахш сўзлар билан келган ғалабаларимизга қанот бағишлади.

Юлдуз феврал ойида бўлиб ўтган навбатдаги республика чемпионатида ўз тенгдошлари ўртасида иккинчи мартаба мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритиб,

кўрсатилган ҳурмат ва билдирилган ишонччи оқлади.

Истеъод гунаҳси Юлдузнинг муваффақиятларида отаси ҳамда мураббийи Ойбек ака Ҳамроқуловнинг ҳиссаси катта.

Ушанда Юлдуз олти ёшда эди, - деб ҳикоя қилади Ойбек ака. - Ўғлим билан шахмат ўйнаб ўтирган эдик. Роқировка (шоҳ ва руҳни эгаллаб турган жойларидан алмаштириш) пайтда ўйинни жим кузатиб турган Юлдуз менга қараб: «Ада, нега акамни алдаб икки марта юрдингиз?» дея савол берди. Ана шунда билдимки, унинг кўнглида шахматга нисбатан қандайдир қизиқиш, меҳрмуҳаббат бор. Шундан сўнг Юлдуз билан жиддий машғул олиб боришга

киришдим. Худого шукрки, меҳнатларимиз зое кетмади. Ниятим Юлдуз қизим ҳақиқий юлдуз бўлиб порлаганини кўриш.

Ҳа, Ойбек аканинг ҳам мураббий, ҳам ота сифатидаги ниятлари эзгу ва улкан. Бизнинг Юлдузга билдиражак ниятларимиз ана шу ниятларга уйғун жаранглайди. Дарвоқе, Юлдуз яқин кунларда Эрон пойтахти Техронда ўтказилажак Осиё биринчилиги ва октябр ойида Испанияда бўлиб ўтадиган ёш шахматчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашади. Уйлаймизки, истеъодли шахматчи Юлдуз Ҳамроқулова Ватанимиз довуғини янада юксакларга кўтаради.

**ҚАМОЛ ОЛЛАЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.**

Футбол

«НАСАФ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Бекатда турган икки кишининг сўхбати диққатимизни тортиди.

— Омад ҳам қучилларга қулиб боқади. Бу ўйин билан узоққа бориш қийин, — деса бири, иккинчиси:

— Нега ундок дейсан? — дерди эътироз билдириб. — Агар яна учта номер тўғри келганида, ҳозир уйга қулинг ўргилсин «Жигули»да қайтаётган бўлармидик!

— Э, қўйсанг-чи, ўша лотереяни! Мен боғдан гапирсам, сен тоғдан келсан-а. Мен «Пахтакор»нинг ўйини ҳақида сўзлаяман ахир.

— Ия, мен нима деяман? Мен ҳам «Пахтакор» стадионидаги ўйин тўғрисида гапиряман-ку...

Алмойи-жалмойи сўхбатнинг оғиш бурчларини зийрак муштарийларимиз албатта англаб этишди. Гап бундан бир ҳафта муқаддам старт олган мамлакат тўққизинчи чемпионатининг иккинчи тур учрашувлари ҳақида кетатириб. Тўғри, дабдурустдан жўяли фикр айтиш, ҳулоса чиқаришга ҳали эрта. Лекин нима бўлганда ҳам бир нарса маълум бўлиб қолди: бу йилги чемпионат шу пайтгача шаклланган тасавурларимизга жиддий тўзатишлар киритиши эҳтимолдан холи эмас. Бунга биринчи навбатда Қаршиннинг «Насаф» команди асосида бўлиши мумкин. Унинг аввал «Гулистон», сўнгра «Сўғдиёна» жамоаларини мағлуб этиши ва энг муҳими, бу ғалабаларга меҳмонда ўйнаб эришиши бежиз бўлмаса керак. Агар бунга кубок ўйналарда ўз майдонига «Пахтакор» дарвозасига жаъобсиз уч тўп киритганлигини кўшимча қилса, ваъзият янада ойдинлашади.

Умуман, иккинчи тур натижалари илгари камдан-кам учрайдиган ҳолат юзага қалқиб чиқаётганлигини кўрсатди. Авваламбор ўтказилган ўнча учрашувнинг биронтасида дуранг қайд этилмагани, боз устига уларнинг тенг яримида меҳмонларнинг қўли баланд келганлиги муайян фикр-мулоҳазаларга ундайди бизни.

Бу бир жиҳатдан жамоалар таркиби маълум маънода тенглашганлигини билдирса, иккинчи томондан барнага ибрат бўлгулик ҳақиқатан ҳам қучли командалар бармоқ билан санарли даражада кам эканлигини англатади. Чиндан-да, бугун ҳам хужум, ҳам ҳимоя чизиги бир текис бўлган қайси жамоани намуна сифатида тилга олиш мумкин? «Нефчи» ними ёхуд «Наваҳор» ни? Балки «Дўстлик»дир? Бу йилги чемпионатда бош соврин даъвогарлари сафидан «Пахтакор» тушиб қолаётгандек туюлади назаримизда. Билмадик, балки янглишаримиз. Лекин бир нарса аниқ: нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёда энг дондор ҳисобланган жамоа яна ўз мавқени тиклаб олиши лозим. Бундан энг аввало муҳлислар, қолаверса юрт фуқболли ютади.

Икки турдан сўнг эса ҳозирча олтидан очко тўплаган «Насаф», «Трактор», «Дўстлик» жамоалари пешқадамлик қилмоқдалар. Навбатдаги тур 29 март кунига белгиланган.

З. РИХСИЕВ.

Ажойиб-гаройиб НАВБАТЧИНИНГ ХАТОСИ

Чамаси, йигирма беш йиллар илгари барча газеталарда Хиндистон рўзномаларининг бирида чоп этилган, шовшувга сабаб бўлган бир мақола кўчириб босилган эди. Унинг қисқача мазмуни шундай:

«Хиндистондаги илон боқувчи хонадонлардан бирида соҳибжамол қиз яшарди. Уша хонадонга келган совчиларнинг баърига боқилаётган илонларнинг аждари шикаст етказиб, бу хонадонга иккинчи бор қадам босмайдиган қилади. Ва ниҳоят уша қиз билан аждархонинг ўзи яшайдиган бўлади».

«Аждархога теккан қиз» ҳақидаги мақолага ўта қизиқиб қолган америкалик журналист қизни ўз кўзи билан кўриб келиш учун Хиндистонга боради. Мақолани ёритган ҳамкасблари ўша шовшувга сабаб бўлган газетанинг кейинги сонидида босилган тўзатишни кўрсатишади. Аслида «Аждархога теккан қиз» бир ҳаваскор ёзувчининг эртаги бўлиб, газетани навбатчилик қилган муҳаррир, билибми-билмайми сарлавҳа остидида қавс ичида ёзилган эртақ сўзини олиб ташлайди. Бу қилмиши учун у мукофот пулидан маҳрум бўлади ва ёзувчи олдидида кечирим сўрайди.

САЙДУРОД САИДАХМАД



Юлдузга бугун кўпчилик ҳавас билан қарайди. Тенгқурлари, дўгоналари у каби бўлишга интилади. Боиси, Юлдуз эндигина 11 ёшга қадам қўйганига қарамасдан, «ақл ўйини» дея таърифланган шахматда анча-инч ютуқларга эришди. Илк бор у Самарқанд шаҳрида ёш шахматчилар ўртасида бўлиб ўтган республика чемпионатида ўз тенгдошлари орасида мамлакат чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлди. Ўтган йилнинг декабрида эса Хиндистоннинг Ахмадод шаҳрида Осиё биринчилигида юр-

тимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У саккизи имкониятдан 5,5 очко жамғариб, 10 ёшли шахматчилар ўртасида 4 ўринни эгаллади. Ва айтиш мумкинки, Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан таъсис этилган «Энг ёш истиқболли спортчи» унвонининг берилиши Юлдузнинг истеъодига ўзига хос эътироф эди.

1999 йил, Испания. Ёш шахматчилар ўртасида Жаҳон чемпиони. Жаҳоннинг 98 мамлакатидан 934 нафар ёш шахматчилар ташриф буюрган ушбу нуфузли мусобақа-

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
МИРГИЁС ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134
Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўқимчи А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нуска, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ-нашрият»-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилади 23.00